

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

«ФАЛСАФА» кафедраси

РЕФЕРАТ

**Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИ МУСТАҲКАМ-
ЛАШДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ**

**ТАДҚИҚОТЧИ: Хожиев Жаҳонгир
ИЛМИЙ РАҲБАР: доц. Каримов Т.К.**

ТОШКЕНТ – 2012

РЕЖА:

1. Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий ғоядан кузланган мақсадлар.
2. Миллий ғоя - Ўзбекистон халқининг асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси.
3. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари.
4. Миллий истиқлол ғоясининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда намоён бўлиши ва унинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари.

1. Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий ғоядан кўзланган мақсадлар

Миллий ғоя - миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шакли.

Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Ўз даврида (1941-1945 йилларда) фашистлар босиб олган Францияда «Қаршилик кўрсатиш» ғоясининг миллий ғоя даражасига кўтарилгани ва Франциянинг озод этилиши билан ўз аҳамиятини йўқотгани фикримизга далил бўла олади.

У ёки бу ғоянинг миллий ғоя сифатида майдонга чиқиши миллатнинг ўтмиши, мавжуд ҳолати билан бевосита боғлиқ. Ана шу икки негизга таянган ҳолдагина у миллатнинг қисқа ёки узоқ вақтда эришиши лозим бўлган мақсад-муддаолари ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши мумкин.

Ҳар қандай миллий ғояда умуминсоният учун аҳамиятли бўлган ғоялар мавжуд. Масалан, «Миллий яраш» ғояси фуқаролар, уруши кетаётган давлатлар учун хос ҳаётий мазмунга эга. Ёки «Манфаатли ҳамкорлик» ғояси дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек аҳамиятга эга.

Миллий мафкура - миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод тараққиётини ғоявий асраш, таъминлашга қаратилган қарашлар тизими.

«Миллий мафкура»ни фақат битта миллат ёки халқнинг мафкураси, деб тушуниш тўғри эмас. У муайян жамият ёки давлатнинг умумий мафкураси маъносини ҳам англатади. Чунки «миллий» сифати «миллат» сўзидан келиб чиққан бўлиб, нафақат муайян этник бирлик, балки «давлат» маъносини ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан, «миллий даромад», «миллий қуроли кучлар» бирикмаларида у айнан, «давлат» сўзининг маънодоши сифатида ишлатилади.

Миллий истиқлол ғоясининг ҳаётбахшлиги тараққиётнинг ўзбек моделини амалга оширишда яққол намоён бўлади.

Ўзбек моделининг асосчиси Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган тараққиёт йўлининг кўпчилик бошқа миллий моделлардан фарқ қиладиган хусусияти шундаки, у фақат иқтисодий ривожланиш эмас, балки кенг маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт моделидир. Шу сабабдан у иқтисодиёт билан бир қаторда давлат қурилиши, ижтимоий соҳа ва маънавиятни, жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олади.

Ўзбек модели тушунчаси, аввало, Ўзбекистоннинг мустақил миллий тараққиёти қандай бўлиши лозимлигини асослайдиган, уни муайян мақсадларга йўналтирадиган энг умумий назарий ҳулосалар ва мўлжаллар билан давлатнинг белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган амалий сиёсатининг муштараклигини англатади.

Биз қандай жамият барпо этмоқламиз, деган масала Президенти-мизнинг «Ўзбекистон ХХI асрга интилоқда» (1997), «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» (2002), «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» (2005) каби асарларида айниқса ўзининг тугал ва мукамал ифодасини топди. Унда қурилажак янги жамиятнинг илмий-фалсафий концепцияси, жамият ҳаётини тубдан ислоҳ этишнинг навбатдаги стратегик вазифалари асослаб берилган. Ана шу масалаларни бажариш миллий истиқлол ғоясининг пировард мақсадларини белгилайди ва бу мақсадларга етишга хизмат қилади.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бозор иқтисодиёти, энг аввало, кўпмулкчиликка ва улар ўртасидаги рақобатга таянади. Унда мулкнинг барча қонуний шакллари тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бу ҳуқуқ давлат томонидан қамолатланади.

Кўпмулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини жорий қилиш орқали юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъий назар, муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби қафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш - давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ва уларни амалга жорий қилишнинг тайёр андозаси йўқ. Бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий тузилиши, қазилма бойликлари ва иқлим шароити, табиий ресурслари, халқимизнинг менталитети, аҳоли таркиби ва ўсиши бирор мамлакатникига айнан ўхшамайди. Бошқа давлатларда яхшигина самара берадиган тараққиёт модели бизда ҳеч қандай натижа бермаслиги ҳам мумкин эди. Танлаб олинган бу йўл ҳамда унга хос миллий истиқлол ғоясининг стратегик мақсадлари жамият ҳаётининг иқтисодий соҳасидаги жараёнларни ўзида акс эттиради.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини мустаҳкамлаш истаги-умумий тақдир ва келажак, Ўзбекистонда яшайдиган барча фуқароларнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашни назарда тутди. Бу соҳада ҳам ҳаётни янада юксак поғонага кўтарилишга даъват этади. Бугунги ҳаётий, зарурат ана шуни тақозо этмоқда. Ҳар бир кишининг фаровонлиги халқ фаровонлиги ва фаолиятининг асосидир.

Жамиятимиз ижтимоий муносабатлар характериға, давлат ва ижтимоий институтлар жамоат ташкилотларининг ўзаро таъсириға кўра, фуқаролик мамлакатига айланмоқда. Унда ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик, барча миллат ва элатлараро ўртасида тинч-тотувлик, умуммиллий муштараклик янада мустаҳкамланмоқда.

Ижтимоий тараққиётга интилаётган, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар қандай жамият ҳуқуқий маданияти юксак, озод ва эркин шахсни тарбиялашга интилади. Зеро, шундагина демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларға амал қилиб яшаш

тамойили жамият ҳаётининг асосий мезонига айланади. Чунки демократиянинг ижодкори, амалга оширувчиси, ривожлантирувчиси - инсондир. Демократия - фақат халқ ҳокимияти бўлиб, қолмай, у айна пайтда ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ва бутун халқнинг ўз мамлакати келажаги, ўз тақдири олдидаги масъулияти ҳамдир.

Ўз навбатида демократия, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш орқали фуқаролардан ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштиришни, юксак сиёсий маданиятга эга бўлишни талаб қилади.

Партияларнинг жамият сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши, энг аввало, парламент Қонунчилик палатаси ишида ўз вакиллари орқали иштирок этувчи партияларнинг демократик қонунлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида фаоллик кўрсатиши, парламент орқали ижроия ҳокимият фаолиятини назорат қилиб бориши турли манфаатлар, кучлар ўртасидаги мувозанатни вужудга келтирувчи асосий омилдир. Шу боисдан ҳам Президент Ислом Каримов 2005 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг биринчи йиғилишида «Парламент - жамият ҳаётининг кўзгуси» мавзусидаги нутқида таъкидлаганидек, «бугунги Қонунчилик палатасида қонунларни ишлаб чиқиш партиялар ваколатига топширилди ва барчамиз буни яхши англашимиз лозим». Бугунги кунда мамлакатимизда парламенти ўз фракцияларига эга бўлган қуйидаги 5 та партияга эга:

1. Ўзбекистон халқ демократик (ЎзХДП) партияси (1991 йил 1 ноябрь).
2. Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси (1995 йил 18 февраль).
3. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (1995 йил 3 июнь).
4. Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси (1998 йил 29 декабр, 2000 йил 14 апрелда унга «Ватан тараққиёти» партияси қўшилиб қайта номланди).
5. Ўзбекистон либерал-демократик партияси (2003 йил 15 ноябр).

Нодавлат, жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти ортиб бораётгани фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб, ривожланаётганидан далолат беради. Айнан шундай ташкилотларнинг фаоллиги ва масъулиятининг ортгани, фуқароларнинг онги ва тасаввурида, кундалик ҳаётида улар тобора кўпроқ иштирок этаётгани «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» концепциясини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим шарти ва шаклидир.

«Кучли жамият» тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, халқ жамоат ташкилотлари орқали давлат идоралари фаолиятини назорат қилади, уларнинг ўз вазифалари ва жамият олдидаги бурчларини тўғри ва самарали бажаришига таъсир кўрсатади.

Янги жамиятни барпо этиш жараёнида, энг аввало, маънавий кадриятларни тўғри баҳолай олишни, сохта кадриятлардан ёки тарихан эскирган, ўзидаги бунёдкорлик ва ижобий салоҳиятни сарфлаб бўлган кадриятлардан ҳақиқий ҳаётбахш кадриятни ажрата олишни ўрганиш лозим. Бирор бир кадриятга баҳо берилар экан, унинг мамлакатимиз мустақил тараққиётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, эътиқодий ва ахлоқий асосларини қай даражада мустаҳкамлай олиши, халқимизнинг умумжаҳон ижтимоий тараққиётининг фаол субъектига айланишига хизмат қила олиши бош мезон бўлиши керак.

Миллий истиқлол мафқурасининг асосий мақсади: озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишидир. Халқ оммасини миллий ғоя атрофида бирлаштириш, кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан улуғвор ишларга тайёрлаш ва сафарбар этишдан иборат. Пировард натижада бунга эришишнинг йўллари, воситалари ва усуллари ҳам ушбу мақсаддан келиб чиқади.

Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини шакллантириш зарурати ҳақида қайғурган эди. Чунки «Миллий мустақил давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз

таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар». Юртбошимиз 2005 йил 14 майда Оқсаройда 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида рўй берган воқеалар муносабати билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган матбуот анжуманида ҳам таъкидлаганидек, «ҳар бир давлатнинг ўз тарихи бор, ўзига хос шарт-шароити бор. Шунинг учун ҳам айрим воқеаларни «атиргул рангли инқилоб», бошқасини - «апельсин рангли инқилоб», учинчисини - «лоларанг инқилоб» деб аташга бўлган уринишлар мутлақо самарасиздир». Демак, миллий ғоянинг зарурлиги, энг аввало, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун зарурдир. Унинг зарурати қуйидаги **мақсадларни** амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади:

1. Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга, яъни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш.
2. Эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш.
3. Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик.
4. Узоқ даврлар мобайнида одамлар онгида ҳукмрон бўлган бегона ва ёт ғояларнинг янада қайтадан тикланишига йўл қўймаслик.
5. Халқимиз табиатига зид бўлган ўзга ғоялардан, айниқса, ёш авлодни ҳимоя қилиш.
6. Ҳар қандай тажоввузкор ғояларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш заруратининг мустақилликни мустаҳкамлашдаги ўрнини англаш орқали ҳаракат дастурига эга бўлиш.
7. Мустақилликни давлатимизнинг ҳар бир фуқаросида Ватан тақдири учун маъуллиқ туйғуси бўлиши учун ҳам зарур.

Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий ғоядан кўзланган мақсадларнинг кенг қамровли илмий-назарий ва амалий йўналишлари Президент Ислоҳ Каримов асарларида, нутқ ва маърузаларида ўзининг аниқ концептуал ифодасини топган.

Демак, миллий ғоянинг негизидаги муҳим устувор **мақсад** - мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверар экан, унинг зарурлиги ҳеч бир даврда ўз аҳамиятини йўқотмайди.

2. Миллий ғоя Ўзбекистон халқининг асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси

Ўзбекистонда янги жамият барпо этилмоқда. Жамият деганда биз одамлар уюшиб, жамоа ва халқ бўлиб яшайдиган ижтимоий-сиёсий тузумни тушунамиз. Янги жамият деганда эса халқнинг мақсад-муддаолари ва манфаатлари асосида барпо этилаётган фуқаролик жамияти тушунилади. Ўзбекистонда барпо этилаётган ана шу жамиятнинг маъно-мазмунини Президентимиз Ислам Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қуйидагича ифодалаб берди: «Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади - бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир».

Стратегик мақсад - узоққа мўлжалланган умумий аниқ режани ифодалайди.

Халқимизнинг янги жамият барпо этиш йўлидаги орзу-интилишлари унинг миллий ғояси ва мафқурасини шакллантиришни ҳаётий заруратга айлантирди. «Чунки миллий ғоя бўлса, мақсад ойдинлашади. Эзгу мақсад эса ҳар бир кишини сафарбарликка даъват этади, жамиятни янада бирлаштиради. Ўз миллий ғояси, миллий мафқурасига эга бўлган давлат мустаҳкам, қудратли ва обод бўлади» (Каримов И.А. Асарлар, Т.8, 473-бет). Ўзбекистон халқи миллий истиқлол ғояси: асосида янги жамият барпо этмоқда.

Бу ғоя халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги мақсад-муддаоларини ифода этадиган, уларни амалга

ошириш йўлида барча юртдошларимизни уюштириб, бунёдкорлик ишларига сафарбар қиладиган, миллий истиқлол мафкурасига асос бўладиган ғоя ва тушунчалар тизимидир.

Миллий истиқлол ғоясининг тушунча ва тамойиллари Президент Ислам Каримов асарлари асосида ишлаб чиқилган ва «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номи билан рисола ҳолида чоп этилган.

Тушунча деб, нарсасизликнинг асосий қонуниятлари, белгилар, хусусиятларини ўзида акс эттирадиган билим ва тасаввурларга айтилади.

Тамойил деганда эса нарсасизликнинг моҳияти ва намоён бўлишига хос устувор хусусиятлар тушунилади. Демак, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари деганда, миллий ғоямизнинг асосий қонуният ҳамда белгиларини ўзида акс эттирадиган билим ва тасаввурларни, унинг моҳияти ва намоён бўлишига хос устувор хусусиятларни англаймиз.

Ҳар қандай мафкура муайян асосий мақсадларга хизмат қилади, бу йўлда хилма-хил вазифаларни бажаради. Мустақилликни мустаҳкамлашда миллий ғоядан кўзланган мақсад жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат. Бу йўлда, ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, мафкуранинг асосий **мақсад ва вазифалари** қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Одамларни муайян ғояга ишонтириш ва мўлжаллаш функцияси.
2. Шу ғоя атрофида кишиларни уюштириш ва бирлаштириш функцияси.
3. Ғояни амалга ошириш учун сафарбар этиш.
4. Кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан рағбатлантириш.
5. Ғоявий тарбиялаш.
6. Ғоявий иммунитетни шакллантириш.
7. Ҳаракат дастури бўлиш.

8. Амортизациялаш, ижтимоий кескинликни юмшатиш функцияси.
9. Муайян ижтимоий гуруҳ манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялаш функцияси.

Миллий ғояда Ўзбекистон халқининг мамлакатимиз ривожига белгилаб олган асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси мужассамлашган.

Биринчидан, ўз келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёки жамият, албатта, ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши зарурлиги билан боғлиқ. Давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аниқ ифодаланган мафкура асосида қурилмоғи лозим. «...**Олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади**» (Каримов И.А. Асарлар. Т.8. 464-465-бетлар). Демак ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга учраб, ўз йўлини йўқотади.

Иккинчидан, миллий ғоя асосида Ўзбекистон халқининг, одамлари онги, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб кўзланган олий мақсад - озод ва обод жамиятни, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Бунинг учун эса, одамлар муайян ғояга ишониши ва таяниши зарур. Бу жараён ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди. Ишонтирмоқ учун у илмий ва ҳаётий, тўғри эканлигига эътибор бериш керак, мақсад ва муддаоларни ифодалаши лозим.

Учинчидан, миллий ғоянинг зарурлиги миллатнинг ўзлигини тўла англаш жараёни билан боғлиқ. Ўзлигини англаган миллат ажралиб кетишга эмас, балки миллатларнинг маърифатлашиш жараёни мустаҳкамланиб боради. Миллий ғояда бугунги ҳаётнинг энг долзарб муаммолари, стратегик мақсадлари билан диалектик боғланиши унинг яшаш шартидир.

Тўртинчидан, бугун бизнинг тарихий ўзгаришлар даврида тоталитар тузумдан эркин демократик бозор муносабатларига асосланган демократик тузумга ўтиш шароитида яшаётганлигимиздан келиб чиқмоқда. Ўтиш даврида ўзига хос мураккаб ғов ва тўсиқларга дуч келиш табиий жараён. Демак, миллий ғоя мустақилликни мустаҳкамлаш ғоясининг ўзаги бўлган - танлаган тараққиёт йўлимизнинг тўғри, адолатли ва ҳаққоний эканлигига

ишонтириш орқали бунёдкорлик ишларига халқни сафарбар этиш учун хизмат қилади.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, авайлаб-асраш, ҳимоя қилишда миллий ғоянинг ўрнини бошқа бирон бир омил босолмайди. Шу боисдан ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифаларини маънавий жиҳатдан таъминлаш, бугунги кунда мамлакатимиз учун ўта долзарб масаладир. Президент Ислом Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маърузасида таъкидлаганидек, «мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади».

Ана шу асосий мақсадлардан ташқари, миллий истиқлол мафкура-сининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган ўзига хос **мақсад ва вазифалари** ҳам бор. Буларни Президентимиз Ислом Каримов кўрсатиб берган ва улар қуйидагилардан иборат:

- «Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш;
- мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун масъулият сезиб яшашга чорлаш;
- аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналари-мизга муносиб бўлишга эришиш;
- юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват этиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш - миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир» (Каримов И.А. Асарлар. Т.9. 222-бет).

Ана шу юқоридаги **мақсадни** амалга ошириш учун бир қатор қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- 1) Мустақил ва эркин тафаккурни шакллантириш. Бунинг учун тафаккур тўла озод бўлиши лозим.

2) Жамиятда соғлом маънавий муҳитни яратишдан иборат. Бу хурфикрлилик билан узвий боғлиқ бўлган жараёндир.

3) Миллатнинг ўзлигини англаши, муқаддас қадриятларини асраб-авайлаши, ватанпарварлик каби туйғуларни камол топтириш.

4) Имон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни юксалтириш.

5) Мамлакат кўп миллатли халқи онги ва қалбида «Ўзбекистон - ягона Ватан» деган тушунчани шакллантириш ва мустаҳкамлаш.

6) Миллий истиқлол ғоясини халқ онги ва қалбига сингдириш учун энг замонавий, қулай мафкуравий восита ва усуллардан фойдаланиш лозим.

7) Миллий мафкура ҳаёт ҳодисаларига ҳозиржавоб бўлиши, ёт ва зарарли ғояларнинг хуружига ўз вақтида жавоб бериши керак.

8) Ҳар бир юртдошимизнинг интеллектуал-маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш зарур.

9) Кишиларни яратувчилик фаолиятига сафарбар этиши даркор, чунки у ғоявий ҳимоя воситаси ҳамдир.

Умуман, миллий истиқлол мафкурасининг барча вазифалари ягона мақсадга - Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда озод ва обод Ватан барпо этиш, эркин ва фаровон жамият қуриш учун хизмат қилади. Мафкуранинг асосий мақсади ушбу йўлда халқимизни жипслаштириш, кишилар онгида мустақил дунёқараш ва огоҳлик хиссини тарбиялаш, комил инсонни вояга етказиш, фуқароларимизда бегона ва бузғунчи ғояларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлиб қолаверади¹.

Миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдизлари - халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маънавий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари, қўшиқлари, байрам ва маросим-ларидаги озодлик, эркинлик учун руҳи, ота-боболаримизнинг

¹ Назаров Ъ., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. 106-109-бетлар.

мустақиллик йўлида кўрсатган жасорати, бунёдкорлик ишлари ҳамда уларни амалга оширишда маънавий рух берган тафаккур тарзида намоён бўлади.

У асрлар мобайнида йиллар синовига дош бериб, сайқалланиб, такомиллашиб келган. Бу тафаккурнинг марказида инсоннинг улуғлиги ва мўътабарлиги ғояси ётади. Чунки мамлакатнинг ҳаёти, фаровонлиги меҳнаткаш инсонларнинг фаолиятига боғлиқ.

Миллий истиқлол ғоясининг тарихийлик тамойили халқимиз руҳини, даҳосини акс эттирувчи ўлмас қадриятлар билан узвий боғлиқдир. Хусусан, буюк аجدодимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг соғлом маънавият маҳсули бўлган «Куч - адолатдодир» деган шиори миллий ғоянинг таркибий қисмига айланиб кетган. У мамлакат бирлигини таъминлаш, марказлашган давлат барпо этишда, аёниқса, уни одиллик билан бошқаришда маънавий - мафкуравий асос бўлиб хизмат қилган.

Бундан неча асрлар аввал яратилиб, ҳозирга қадар юртимиз кўркига-кўрк бағишлаб келаётган қадимий обидалар, осори атиқалар халқимизнинг юксак салоҳияти, куч-қудрати, бунёдкорлик анъаналаридан далолат бўлиб қолмоқда. Улар Ватанимизнинг шонли тарихи тўғрисида яққол тасаввур ва тушунчалар беради, шу муқаддас диёрда яшайдиган ҳар бир инсон қалбида ғурур-ифтихор туйғуларини уйғотади. «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, - деб ёзади Ислом Каримов, - биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак». (Каримов И.А. Асарлар. Т.3. 7-б.) Бу вазифа эса тарихий хотирани тиклаш эвазига амалга ошади.

Миллий истиқлол ғояси чуқур фалсафий асосларга эга. Бунга бир томондан, жаҳон фалсафасидаги умуминсоний қадриятлар, иккинчидан, Шарқ фалсафаси ва маданияти, учинчидан эса, юртимизда ўтган аллома - боболари-мизнинг фалсафий мероси ўз ўрнига эга. Ана шу асосда яратилган

ғоя ва мафкура шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаронинг ҳаётига, онига сингмоғи, ҳақиқий иймонга айланиши лозим.

Умуман, миллий мафкурамизнинг фалсафий илдизлари деганда аجدод-ларимизнинг фалсафий тафаккур тарзи, амалий фаолияти, бунёдкорлик ишлари, жаҳон халқлари фалсафаси, урф-одатлари, кадриятлари, ҳозирги замондаги фалсафий қараш ва таълимотлар, Президент Ислом Каримов асарларидаги фикр ва хулосалар тушунилади.

Демак, миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашда ёрдам бериш;
- қонуннинг устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлик;
- миллий ва умуминсоний кадриятларнинг уйғунлигига таяниш;
- халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;
- давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлиги, ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимоялан-ганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислохотларнинг тадрижийлиги тамойилларга хизмат қилади.

3. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари

Истиқлол мафкураси - ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир.

Миллий истиқлол мафкурасининг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун қадрлилиги шундаки, унинг моҳиятида умуминсоний тамойиллар ётади.

Миллий истиқлол мафкураси манфаатлар тизими билан уйғун боғланган бўлиб, у қуйидаги ҳолатлар билан ифодаланади:

1. Мамлакат ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини сақлаб, чегараларимиз бутунлиги ва дахлсизлигини таъмин этишга хизмат қилади. Бошқача айтганда бу юртимизнинг фазо ва вақтдаги умумий бирлигини таъминловчи манфаат.

2. Юртнинг тинчлиги ва осойишталиги, яъни давлатимизнинг ҳарбий, иқтисодий (энергетик), экологик, информацион ва ғоявий таҳдидлардан муҳофазаланганлиги.

3. Мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлаш манфаати.

4. Ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлигини таъминлаш, яъни бадавлатлилик манфаати.

5. Жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойилини таъминланиши.

«Миллий истиқлол мафкураси турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен - ижтимоий ҳодисадир. Бу мафкурада бирон-бир дунёқараш мутлақлаштирилмайди ёки у мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий қуролга айлан-тирилмайди». Балки, у ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, миллат ва қавмлар, гуруҳ ва қатламларнинг юқорида қайд этилган умумий манфаат-ларини ифодалайди.

Ҳар қандай мафкура сингари миллий истиқлол мафкураси ҳам ўзига хос амал қилиш тамойилларига эга. Бу тамойиллар, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлиги, халқаро андоза ва талабларга мослик, халқнинг барча қатламлари мақсад-муддоларини ўзида ифода этиш билан тавсифланади. Улар бир-бирини тақозо этади, ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда намоён бўлади.

Мафкурамиз том маънодаги миллий мафкурага айланиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиши, яъни бу мафкура ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга имконият яратадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиши;

- миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-этиқод манбаи бўлиши, яъни у том маънода сўз билан ишни, назария билан ҳаётни бирлаштира олиши, Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллуқли бўлиши;

- ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиши, яъни иккиюзламачиликдан ҳоли ва жамоатчиликнинг объектив фикрига таянувчи мафкура бўлиши;

- замон ва давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодаладиган манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиши, яъни янгича вазиятга тез мослаша оладиган ҳозиржавоб ва ижодий бўлиши.

Миллий истиқлол ғояси тизимида бош ғоя ва асосий ғоялар, улар озиқланадиган манбалар, уларнинг амал қилиш тамойиллари муҳим ўрин тутади. Бу тизим миллий истиқлол мафкурасини яратишга асос бўлади. Яъни миллий истиқлол мафкураси миллий истиқлол ғояси асосида вужудга келади. Чунки мафкура ғояни амалга ошириш жараёнида пайдо бўлади. Шу боисдан ҳам у ғояга нисбатан кенгроқ тизимни шакллантиради. Халқимизнинг миллий истиқлол мафкураси миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари асосида шаклланмоқда. Шунинг учун миллий истиқлол ғояси тизимидаги бош ва асосий ғоялар ҳақида гапирар эканмиз, уларни миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси ва асосий ғоялари деймиз.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси - озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларини эса қуйидагилар ташкил этади:

- | | |
|-------------------|---------------------------|
| 1. Ватан равнақи. | 5. Ижтимоий ҳамкорлик. |
| 2. Юрт тинчлиги. | 6. Миллатлараро тотувлик. |

3. Халқ фаровонлиги.

7. Диний бағрикенглик

4. Комил инсон.

(толерантлик)

Ўзбекистон Конституциясининг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», дейилган.

Миллий истиқлолнинг асосий ғоялари халқимиз мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади. Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси - мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари ўзининг маъно - моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан бош ғояни халқимизнинг қалби ва онига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

Ватан - бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги. Халқимиз Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмаган. Киши улғайган сари унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгая бошлайди, аста-секин остона, уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоят, ва ниҳоят, мамлакат даражасига кўтарилди. Тушунча ва кечинмалар нуқтаи назаридан эса ватанпарварлик тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ва даврлар таъсирида шаклланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғудир.

Ватан равнақи ғояси мазмунини ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир. У миллий истиқлолнинг олий мақсади - Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди. Ватан ғоясини амалга оширишда: 1) ижтимоий барқарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, маҳалланинг мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тамойиллари муҳим ҳисобланади; 2) ҳаётда демократик тамойилларнинг

устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятни эркинлаштириш, давлатнинг ислохотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини ошириш зарур; 3) мулкчиликни шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш керак; 4) интеллектуал салоҳиятни ошириш; 5) қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий демократик жамият куриш кабилар киради.

Юрт тинчлиги - мамлакат барқарор тараққиётининг гарови, бебаҳо неъмат, улуғ саодатдир. **Тинчлик** - инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омилidir. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи умумбашарий муаммодир. Инсоният тараққиётининг масаласи умумбашарий муаммодир. Инсоният тараққиётининг асосий масалалари тинчлик-тотувлик ҳолатидагина самарали ҳал этилган. Тинчликни сақлаш муаммосини ўз-ўзидан кишиларнинг хоҳиш-истаги, орзу-умидлари билан ҳал қилиб бўлмайди. Инсоният учун муқаддас бу қадриятга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилади.

Халқ фаровонлиги ҳар бир шахс ва оила фаровонлиги билан боғлиқ. Бунда инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги - бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил амалга ошади.

4. Миллий истиқлол ғоясининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда намоён бўлиши ва унинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари

Миллий истиқлол мафкураси кенг халқ оммасининг манфаатларини, мақсад ва идеалларини ифода этади. «Миллий истиқлол мафкураси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг-бутун халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди».

Миллий истиқлол мафкураси

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний кадриятлар, демократия тамойилларига асосланади.

2. Халқнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларнинг ўлмас меросидан озиқланади.

3. Адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради.

4. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

5. Жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади.

6. Миллати, тили ва динидан қатъий назар, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси қалбида она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради.

7. Жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади.

8. У ҳар бир ватандошимизнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада адо этаётганини белгилайдиган маънавий мезондир.

9. Бу - Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир кишининг **«Ватаним менга нима берди»** деб эмас, балки **«Мен Ватаним равнақи учун нима қиляпман»** деган масъулият туйғуси билан яшаши демак.

Мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Чунки бўш қолган мафкура мафдонини бизга бегона, ёт ғоялар эгаллаши аён бўлди. «Ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракатлар, ёвуз ишлар, аввало, мафкуравий бўшлиқ туфайли содир бўлмоқда», деган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Миллий истиқлол ғоясининг мустақилликни мустаҳкамлашда намоён бўлиш жараёни ўзининг бир қатор қуйидаги хусусиятларига эга:

1. Бугунги кунда одамлар «Мафкура полигонлари ядро полигонлари»га нисбатан кўпроқ кучга эга эканлигини англаб етмоқда.

2. Ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо ғоявий тазйиқнинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб олиш қийин.

3. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб ҳеч бир жамият ўз олий мақсадига эриша олмайди, чунки миллий ғоя - миллат тафаккури ва онгининг маҳсули, сиёсий онг даражаси ҳар бир миллатнинг ривожини белгилайдиган омиллардандир. Миллий мафкура, аввало, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англашга ёрдам бериши шарт.

4. Жамиятимизда мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар уларнинг барчасини миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, энг буюк мақсадлар сари қорлайдиган бўлиши лозим.

5. Миллий мафкура ҳар қандай тажовузкор миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа халқ, миллат, элатларни камситиш каби қарашлардан холи бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб иззат қозониши зарур.

6. Миллий ғоя, биринчи навбатда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбияламоғи даркор².

Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти ва буюк келажаги бир қанча муҳим вазифа ва муаммоларни ҳал этишга боғлиқ. Шундай вазифалардан бири ***миллий истиқлол мафкурасига ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашдан иборат***. Бу бир қатор шарт-шароитлардан келиб чиқади:

1) Мустақилликнинг дастлабки йилларида эски, ягона мафкурадан бутунлай воз кечиляётган, ҳали янги мафкура ишлаб чиқилмаган ва шаклланмаган, илмий асосланмаганлиги билан боғлиқ эди.

² Эргашев И. ва бошл. Миллий истиқлол юяси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалаврият бослиғи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 120-130-бет.

2) Ҳеч қандай жамият мафкурасиз яшай олмайди. Одамлар қандайдир соғлом бир ғояга муҳтож бўлади.

3) Демократик жамият қуриш жараёнида мустақилликни мустаҳкамлаш учун миллий мафкура сув ва ҳаводек зарур. Миллий ғоя - жамият ҳаётининг барча соҳаларини ўзида қамраб олади. Шу боисдан ҳам Президент Ислон Каримов мустақилликнинг илк йилларида, 1993 йилдаёқ «Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш» зарурлигини уқтирган эди (Каримов И.А. Асарлар. Т.1. 203-бет).

Ўзбекистон учун миллий истиқлол мафкурасининг тарихий зарурлиги ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни бир қатор қуйидаги муаммоларни ҳал этиш билан ҳам боғлиқдир:

1. Миллий истиқлол мафкура кишиларда миллий маданиятнинг, миллий онгининг, миллий ғурурнинг усиши ва ривожланишини таъминлаш омили сифатида мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим яҳамиятга эга.

2. Миллий истиқлол мафкураси кишиларда миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантиришга, тарбиялашга хизмат қилади.

3. Миллий истиқлол мафкураси халқни севишга, қадрлашга даъват этади, мустақиллик барқарорлигини таъминлаб одамлар онги ва қалбига чуқур сингдиради.

Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини яратишда 30 га яқин хорижий давлатлардаги қонунчилик тажрибалари ўрганилди. Коммунистик мафкурадан, синфийликдан, партиявийликдан ҳоли бўлган асосий қонун яратилди. Президент Ислон Каримов миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини яратишда кўплаб асарлар ёзди ва уларни шарҳлаб бера олди.

4. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш борасида бир талай ишлар амалга оширилди.

5. Кўппартиявийлик янада шаклланиб бормоқда.

6. Муҳолифат конституциявий мезон доирасида фаолият кўрсатиб, аниқ дастурий ҳужжатга эга бўлиши керак.

7. Ҳақиқий муҳолифатнинг вужудга келиши учун, унинг ҳокимият билан ғоявий ва амалий таклифлар кирита оладиган бўлиши лозим.

Мустақилликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон миллий истиқлол мафку-расининг илмий-назарий жиҳатлари қуйидаги хулосаларда ўз ифодасини топади:

- Мафкура Ўзбекистон жамияти ҳаётида жуда зарур, чунки мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар.

- XX асрда яшаган замондошларимиз кўп синовлар, азоб-уқубатлар, фожиалар, урушлар, қатағонларни бошидан кечирди.

- Инсоният тарихида ахборот асри деб тан олинган XXI асрда ҳам турли мафкураларнинг ўзаро кураши шиддатли тус олмоқда.

Миллий истиқлол ғояси бутун жамият, бутун миллат, бутун ўзбекистонликлар учун хизмат қилади. Миллий қадриятларимизни баҳолаганда, уларнинг миллий ғояга нечоғлик мос эканини назарда тутамиз. Лекин биз баҳолаш жараёнида фақат алоҳида бир инсон, муайян ижтимоий гуруҳ манфаатини эмас, балки умуминсоний жамиятимиз, барча ўзбекистонликлар манфаатини назарда тутамиз. Шу боис, юқорида зикр этилган мезон ва тамойиллардан фойдаланиб, Ўзбекистонимизни жаҳондаги энг илғор давлатлар қаторига қўшишга ҳаракат қилинмоқда. Бу мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини, унинг келажагини белгилайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2010.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: «Ўзбекистон», 2011.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг ЎЗР Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» маърузаси Халқ сузи. 2011 йил 8 декабр.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.
5. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011. –Б.48.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т., Ўзбекистон, 2010. –56 б.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т., Ўзбекистон, 2009.
8. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т., «Ўзбекистон», 2009.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., «Маънавият», 2008.
10. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
11. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

- 12.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 2007.
- 13.Гегель Г. Сочинения. – М., 1937.
- 14.Канке В.А. Философия: Учебник. – М., 2004.
- 15.Карпович В.П. Проблема. Гипотеза. Закон. – Новосибирск, 1980.
- 16.Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999.
- 17.Перегудов А.В., Саидов М.Х., Аликулов Д.Е. Методология научного творчества. – Т., 2002.
- 18.Поппер К. Открўтое общество и его враги. Т. 1. – М., 1992.
- 19.Ракитов А. Философские проблемы науки. – М., 1977.
- 20.Саифназаров И.С., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. – Т., 2004.
- 21.Яскевич Я.С. Философия в вопросах и ответах. – Минск, 2003.